



## КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН КАМАЙИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ОБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*PhD Худайкулов Амир Меликулович*

*Термиз давлат университети*

*ORCID: 0000-0001-8915-5962*

*[amir7x@mail.ru](mailto:amir7x@mail.ru); [xudoyqulova@tersu.uz](mailto:xudoyqulova@tersu.uz)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда корхоналар фойдасининг ҳуқуқий жиҳатдан камайишига олиб келувчи объектив омилларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари – корхоналарда бўнак ҳисоботини расмийлаштириш ва унда суткалик овқатланиш харажаларини меъёрдан ортиқ қисмини пировардида харажатларнинг ортишига ва фойданинг камайишига олиб келиши мисолида таҳлилий равишда, бухгалтерия ўтказмаларида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** хизмат сафари, бўнак ҳисоботи, солиққа тортиш, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган фойда солиғи, ижтимоий солиқ, бухгалтерия ўтказмаси, суткалик овқатланиш харажатлари, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи, харажатлар.

## ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЧЁТА ОБЪЕКТИВНЫХ ФАКТОРОВ, ПРИВОДЯЩИХ С ПРАВОВОЙ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ К УМЕНЬШЕНИЮ ПРИБЫЛИ ПРЕДПРИЯТИЯ

*PhD Худайкулов Амир Меликулович*

*Термезский государственный университет*

**Аннотация.** В данной статье аналитически в бухгалтерских проводках рассмотрены особенности учета объективных факторов, приводящих к правовому уменьшению прибылей предприятий Узбекистана, на примере оформления авансового отчета и приведения лишней части сверхнормативных суточных расходов на питание к увеличению затрат и снижению прибылей предприятий.

**Ключевые слова:** командировка, авансовый отчет, налогообложение, налог на прибыль, налог на прибыль физических лиц, социальный налог, бухгалтерский перевод, ежедневные суточные расходы на питание, себестоимость продукции (работ, услуг), расходы.

## DISTINCTIVE FEATURES OF TAKING INTO ACCOUNT OBJECTIVE FACTORS THAT, FROM A LEGAL POINT OF VIEW, LEAD TO A DECREASE IN THE PROFIT OF THE ENTERPRISE

*PhD Khudaykulov Amir Melikulovich*

*Termez State University*

**Abstract.** In this article, the features of accounting for objective factors leading to a legal decrease in profits of enterprises in Uzbekistan are analyzed analytically in accounting entries, using the example of issuing an advance report and bringing the excess part of excess daily food expenses to an increase in costs and a decrease in profits of enterprises.

**Key words:** business trip, advance report, taxation, income tax, personal income tax, social tax, accounting translation, daily food expenses, cost of production (work, services), expenses.

### **Кириш.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартларига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида талқин этиш ҳамда молиявий ҳисоботларда корхона молиявий хўжалик фаолиятини шаффоф акс эттириш борасида талайгина ижобий ва объектив ўзгаришлар олиб борилмоқда. Бунда корхоналар фойдасининг ҳуқуқий жиҳатдан камайишига олиб келувчи объектив омилларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, муаммоларни таҳлилий ёритиб бериш, солиққа тортиладиган базани тўғри аниқлаш ва фойда солиғини тўлашда чегирилмайдиган харажатларни тўғри ҳисобга олишни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қатор илмий адабиётлар ва изланишларнинг натижалари билан танишиб чиқдик. Жумладан Бланкнинг (2015) фикрича фойда бу – киритилган капиталга бўлган соф даромаднинг пулдаги ифодаси бўлиб, фойда тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишида босиб ўтган риск учун мукофотни, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида жами даромад ва жами харажат ўртасидаги фарқни ифодалайди.

Клишевичнинг (2016) фикрича фойда бу – қўшимча меҳнат асосида яратилган соф даромаднинг сотилган қисмини ифодаловчи корхонанинг ижобий кўринишдаги якуний молиявий натижасидир.

Моляковнинг (2009) фикрича фойда бу қўшимча маҳсулот қийматининг пулда ифодаланган қисмидир.

Савицкаянинг (2013) фикрича, фойда бу – маҳсулотни сотиш жараёнида хўжалик субъектлари томонидан тўғридан-тўғри олинadиган соф даромаднинг бир қисмидир.

Селезнёвнинг (2014) фикрича, фойда бу – хўжалик фаолияти жараёнида жами даромад ва жами харажатлар ўртасидаги фарқни кўрсатувчи тадбиркор киритган капиталнинг соф даромади кўринишидир.

Бироқ юқорида келтириб ўтилган илмий изланишларда корхоналар фойдасининг ҳуқуқий жиҳатдан камайишига олиб келувчи объектив омилларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва молиявий ҳисоботларда уларни акс эттиришнинг назарий-методологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Юқорида келтирилган омиллар мазкур мавзунини кенгроқ ўрганишга қаратилган объектив заруратни келтириб чиқарди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур мақолада таҳлил ва синтез, маҳсулот (иш, хизмат) таннархини аниқлаш, ҳақиқий таннарх, ҳисоб таннархи, харажатлар таркибини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби счётлари ва иккиёқлама ёзув, баланс ва ҳисобот методларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли қарорига (Қарор, 2022) мувофиқ ходимларнинг хизмат сафари муддатлари корхона раҳбарияти томонидан белгиланади, аммо бунда эътибор бериш лозим бўлган жиҳат шундаки ҳар бир хизмат сафари муддати даври йўлдаги кунларни ҳисобга олмаганда, ҳар бир ҳолатда 30 кундан ошмаслиги керак. Мазкур ҳолат тафтиш ва текшириш ўтказиш фаолиятига ҳам тадбиқ этилади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, йиғиш, созлаш, қурилиш ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилган ишчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг хизмат сафари давомийлиги 12 ойдан ошмаслиги керак. Хизмат сафари муддатини узайтиришга истисно ҳолатлардагина раҳбариятнинг ёзма руҳсати билан йўл қўйилади.

Раҳбариятнинг буйруғи билан ходим дам олиш кунда хизмат вазифаларини бажариш учун хизмат сафарига кетган ҳолларда, хизмат сафаридан қайтгач, белгиланган тартибда яна бир дам олиш куни берилади.

Бюджет ташкилотлари ходимлари учун йўл харажатлари бўйича ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, йўл харажатлари ҳар бир босиб ўтилган километр учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида тўлаб берилади. Мисол учун Термиз-Тошкент йўналиши бўйича йўл узунлиги 750 километрни ташкил этса, 2024 йил март ойи учун базавий ҳисоблаш миқдори суммаси, яъни 340000 сўмни 0,1 фоизини ҳисоблаймиз ва чиққан суммани йўл узунлиги бўйича километрга кўпайтирамиз:

$$(340\ 000 * 0,1\%) * 750 = 255\ 000 \text{ сўм.}$$

Шунингдек, агар бошқа турдаги ташкилот ходимида йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, бошқа турдаги ташкилот ходимлари учун ҳам юқоридаги меъёрдан кам бўлмаган тартибда йўл харажатлари тўлаб берилади.

Кунлик овқат пули харажатлари корхонанинг ходим билан тузилган жамоа ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган ҳажмларда тўлаб берилади.

Аммо мазкур харажатлар қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаслиги лозим (базавий ҳисоблаш миқдorigа нисбатан фоизларда), жами 35 фоизгача:

Ходимнинг хизмат сафари даврида овқатланиш (алкогол ва тамаки маҳсулотларидан ташқари) харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) тақдим этилганда – 25 фоизгача;

Бошқа харажатлари учун – 10 фоизгача.

Бунда чекларни хизмат сафари учун ишлаб чиқилган махсус мобил иловада харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганида, ушбу ҳужжатларни (чекларни) тақдим этишга руҳсат этилади.

Маълумот учун айтиш лозимки, илгариги 2022 йилгача қабул қилинган ва амалда бўлган низомда (Қарор, 2003), юқорида келтирилган харажатлар қуйидаги миқдорларда тўланар эди:

Тошкент шаҳар ва вилоят марказларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизида;

Бошқа шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 фоизида.

Юқорида келтирилган харажатларни қоплаш, қилинган ҳақиқий харажатларнинг ҳужжатли тасдиғисиз амалга оширилар эди. Шунинг ҳам айтиш лозимки, юқорида келтирилган низомларни қўллаш тартиби – бюджет ташкилотлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, ўз-ўзини молиялаштирувчи ташкилотлар учун тавсиявий характерга эга.

Шунинг ҳам алоҳида келтириб ўтиш жоизки, турар-жой бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, турар жой харажатлари ҳар бир кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида тўлаб берилади.

Масалан, 2024 йилнинг март ойининг бир куни учун:

$$340000 * 20\% = 68000 \text{ сўм.}$$

Бюджет ташкилотларининг 1-даражали раҳбар ходимларидан ташқари ходимларга тўланадиган бир кунлик меҳмонхона харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаслиги керак.

Хизмат сафари даврида ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигини йўқотган ҳолларда умумий асосларда меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври хизмат сафари кунлари даврига қўшилмайди.

Корхона ходимига хизмат сафарига кетишидан олдин унинг пластик картасига бўнак суммаси ўтказиб берилганда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**1-жадвал**

**Ходим хизмат сафарига кетишидан олдин унинг пластик картасига хизмат сафари учун бўнак берилиши бўйича сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
1.	Хизмат сафари учун бўнак берилди	4220-“Хизмат сафарларига берилган бўнаклар”	5111- Ҳисоб-китоб сўёти (пластик карта ҳисоб рақами учун)	5000,0

Агарда хизмат сафарида даврида дейлик бошқарув аппарати ходими тасдиқловчи асосланган меъёрга тўғри келувчи хўжатларга биноан 5,0 млн. сўм эмас, 6,0 млн. сўмлик харажатларни амалга оширса, қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**2-жадвал**

**Хизмат сафари бўйича ҳисобдор шахсларга бўлган қарзнинг маъмурий харажатлар сифатида тан олинишини акс эттирувчи сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
2.	Бошқарув аппарати ходимининг хизмат сафари харажатлари ҳақиқий қилинган харажатлар миқдорида ҳисобга олинди	9420-“Маъмурий харажатлар” сўёти	6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” сўёти	6000,0

Ҳақиқатда тан олинган харажатлар ва режадаги харажатлар ўртасидаги фарқ суммасига:

**3-жадвал**

**Хизмат сафари учун амалда ортиқча қилинган харажатларнинг ходимга тўланиши бўйича сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
3.	Хизмат сафари бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар суммаси ва тўланган бўнак суммаси ўртасидаги фарқ ходимга тўлаб берилди	6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” сўёти	5111- Ҳисоб-китоб сўёти (пластик карта ҳисоб рақами учун)	1000,0

Хизмат сафари учун ходимга берилган бўнак харажатлари қопланганда:

**4-жадвал**

**Бўнак харажатлари қопланиши бўйича сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
4.	Хизмат сафари бўйича тўланган бўнак суммаси ҳисобдан чиқарилди	6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” сўёти	4220-“Хизмат сафарларига берилган бўнаклар” сўёти	5000,0

Юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаларидан қўришимиз мумкинки, 6970-“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” сўётининг дебет ва кредит айланмалари бўйича қолдиқлар қолмади:

**1-расм. 6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” счётининг дебет ва кредит**

Дебет	6970-счёт	Кредит
5000,0	6000,0	
1000,0		
		<b>Охирги қолдик: 0,0</b>

**айланмаси ва унинг охирги қолдиғи**

Бошқарув аппарати ходимининг кунлик овқатланиш харажатлари тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ белгиланган меъёрлардан ( $340000 \cdot 35\% = 119000$  сўмдан) ортиқ бўлганда, қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дейлик бошқарув аппарати ходимининг кунлик овқатланиш харажатлари 150000 сўмни ташкил этди (бунда меъёрдан ортиқ харажатлар:  $150000 - 119000 = 31000$  сўм):

**5-жадвал**

**Меъёрдан ортиқ кунлик овқатланиш харажатларининг ҳисобланиши бўйича счётлар корреспонденцияси**

Т/р	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
5.	Меъёрдан орган кунлик овқатланиш харажатлари суммасига	9420-“Маъмурий харажатлар” счёти	6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” счёти	31,0

Мазкур меъёрдан ортиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 373-моддасига (Кодекс, 2019) мувофиқ компенсация сифатида меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар сифатида ҳисобга олинади ва бунда қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

**6-жадвал**

**Меъёрдан орган харажатларнинг ҳисобланиши ва улар бўйича юзага келадиган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши бўйича счётлар корреспонденцияси**

Т/р	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
6.	Компенсация тарзидаги тўловлар меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларга ўтказилганда	6970-“Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” счёти	6710-“Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти	31,0
7.	Жисмоний шахслардан олинаган даромад солиғи ҳисобланганда	6710-“Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти	6411-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи)” счёти	3,720
8.	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўлов ҳисобланганда	6411-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи)” счёти	6520-“Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (ШЖБПХТ)” счёти	0,031
9.	Ижтимоий солиқ ҳисобланганда (12,0 фоиз)	9420-“Маъмурий харажатлар” счёти	6412-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Ижтимоий солиқ)” счёти	3,720

Юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаларига мувофиқ меъёрдан ортиқ харажатнинг қуйидаги қисми ҳисобдор шахсга тўлаб берилади:

## 7-жадвал

**Меъёрдан ортиқ харажатларнинг ходимга тўлаб берилиши бўйича сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
10.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи чегирилган ҳолдаги меъёрдан ортиқ ҳисобдорлик суммалари ходимнинг пластик картасига ўтказиб берилганда	6710-“Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” сўёти	5111-“Ҳисоб китоб (пластик карта ҳисоб рақами учун) сўёти”	27,280

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 317-моддасига (Кодекс, 2019) мувофиқ, меъёрдан ортиқ харажатлар фойда солиғи базасидан чегириб ташланмайдиган харажатлар қаторига ҳам киради:

## 8-жадвал

**Меъёрдан ортган харажатларнинг фойда солиғи базасига қўшилиши бўйича сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
11.	Фойда солиғи ҳисобланганда (31000*15,0%)	9810-“Фойда солиғи бўйича харажатлар” сўёти	6413-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи)” сўёти	4,650

Меъёрдан ортиқ суммаларга тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаб берилганда қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

## 9-жадвал

**Меъёрдан ортган харажатлар бўйича юзага келган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланшига қаратилган сўётлар корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
12.	Жисмоний шахслардан олинаган даромад солиғи тўланганда	6411-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи)” сўёти	5110-“Ҳисоб-китоб сўёти”	3,689
13.	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўлов тўланганда	6520-“Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (ШЖБПХТ)” сўёти	5110-“Ҳисоб-китоб сўёти”	0,031
14.	Ижтимоий солиқ тўланганда (12,0 фоиз)	6412-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Ижтимоий солиқ)” сўёти	5110-“Ҳисоб-китоб сўёти”	3,720
15.	Фойда солиғи тўланганда	6413-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи)” сўёти	5110-“Ҳисоб-китоб сўёти”	4,650

Юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаларидан корхона ўз ҳисоб сиёсатига мувофиқ ишчи счётлар режасини ўзига мувофиқ равишда расмийлаштириши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарда хизмат сафари бўйича суткалик овқатланиш харажатларининг меъёрдан ортиқ қисми корхона фойдасининг камайишига, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг, ижтимоий солиқнинг ва фойда солиғининг ортишига сабаб бўлса-да, мазкур амалда қилинган суткалик овқатланиш харажатлари ўз ҳужжатли тасдиғини топган тақдирда, уларни ҳисобда тўғри акс эттириш - молиявий ҳисоботларнинг шаффоф ва асосли бўлишини таъминлайди. Бунда корхона ўз харажатларини меъёрий-ҳуқуқий асосларга мувофиқ амалга ошириши маҳсулот (иш, хизмат) таннархининг тўғри аниқланишига сабаб бўлади.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Бланк И.А. (2015) *Управление финансовыми ресурсами: Учебное пособие / Под ред. И.А.Бланк, М: Омега-Л, С. 768.*

Клишевич Н.Б. (2016) *Финансы организаций: менеджмент и анализ : учеб. пособие / Под ред. Н. Б.Клишевич, М: КНОРУС, С. 245.*

Кодекс (2019) *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 317-“Чегуриб ташланмайдиган харажатлар” моддасининг 22-банди. 31.12.2019. <https://lex.uz/docs/4674902>*

Кодекс (2019) *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 373-“Компенсация тўловлари (компенсация)” моддасининг 9-банди. 31.12.2019. <https://lex.uz/docs/4674902>*

Қарор (2003) *Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сон ва 7/12-сонли қарори билан тасдиқланган.*

Қарор (2022) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 424-сонли қарори;*

Қарор (2022) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 424-сонли қарори*

Молякова Д.С., Шохина Е.И. (2009) *Теория финансов предприятий : учеб. пособие / Под ред. Д. С.Молякова, Е.И. Шохина. М: Финансы и статистика,. С. 110.*

Низом (1999) *“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган. <https://lex.uz/docs/264422> ;*

Савицкой Г.В. (2013) *Экономический анализ : учебник для студентов высших учебных заведений / Под редакцией Г. В. Савицкой. М: ИНФРА-М, С. 647.*

Селезневой Н. Н., Ионовой А. Ф. (2014) *Финансовый анализ. Управление финансами : учебное пособие / Под редакцией Селезневой Н. Н., Ионовой А. Ф. М: ЮНИТИ, С. 639.*

Худайкулов А.М. *Номоддий активларни яратишда жалб этиладиган товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш ҳисоби. // Молия ва банк иши. 2020 йил 5-сон б. 106-119. [https://www.researchgate.net/publication/358285101\\_Molia\\_va\\_bank\\_isi\\_AHudajkulov\\_2020\\_ji\\_l\\_5-son](https://www.researchgate.net/publication/358285101_Molia_va_bank_isi_AHudajkulov_2020_ji_l_5-son)*